

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

2024 йил май ойининг 28 кuni Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: М.Эргашев,

ҳайъат судьялари: З.Ибрагимов ва А.Акрамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори У.Рахимов, судланган С.Дж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ибрагимов, жабрланувчи Ш.Тоҳирова ва унинг ҳимоячиси-адвокат И.Махматкуловнинг иштирокида, судланган С.Джга оид жиноят ишини жабрланувчи Ш.Тоҳированинг шикоят асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 августдаги ҳукмига кўра:

1983 йил 20 август кuni Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланган:

1. жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 15.10.2014 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан юритилган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.12.2013 йилдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2. жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 14.10.2015 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, шу судининг 26.08.2016 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 3 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган ва ушбу судининг 04.01.2017 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон



Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.10.2016 йилдаги "...амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандига асосан озод қилинган, Самарқанд шаҳри, В кўчаси 23-уйда яшовчи, иш бўйича "муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат" тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган Дж.С га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда 2 йил 6 ой, ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан 2 йил, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "б" банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 59,61,62-моддаларига асосан узил-кесил 3 йил 1 ой 10 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 17 октябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Дж алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2014 йилнинг март ойида таниши А.Джаббаров билан унинг Самарқанд шаҳар, Амур кўчаси 2-йўлак 8-уйида учрашиб, унга пул бериб туришини, 3-4 кунда олаётган маблағларини тўлиқ қайтариб беришини ваъда қилиб, ишончига кириб, уни алдаб, ундан жами 48.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу маблағларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, С.Дж алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, 2014 йилнинг июнь ойида таниши Ш.Тохирова билан унинг Самарқанд шаҳар, Огаҳий маҳалласи, Шабод кўчаси 42-уйида учрашиб, унга тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиши, Америка Қўшма Штатларига бориб-келишини айтиб, уни ишонтириб, қайнонаси М.Тошпўлатованинг номида бўлган Самарқанд шаҳар, Али Қўшчи кўчаси 2-уй 42-хонадон ўзига тегишли эканлиги, ушбу уйни 52.000 АҚШ долларига унга сотишини билдириб, уни алдаб, уй пулларини тўлиқ олгандан кейин уни номига расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, 120.239.600 сўмга тенг бўлган 52.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, уйни Ш.Тохировага расмийлаштириб бермасдан, қўлга киритган кўп миқдордаги пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, С.Дж хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, Ўзбекистон фуқароларини хорижга чиқиб, ёлланиб ишлашларини ташкил этиш борасида бирон-бир ваколатга эга бўлмаса-да, осон йўл билан моддий бойлик орттириш учун 2019 йилнинг октябрь ойида Америка Қўшма Штатларига ишлаш мақсадида бориш ниятида бўлган қаро Д.Қосимова ва унинг турмуш ўртоғи Б.Қосимовлар билан "Telegram"



ижтимоий тармоғи орқали танишиб, ўзини ишбилармон, мазкур масалани ҳал қилиш имкониятига эга бўлган уддабурон шахс сифатида таништириб, ўзини АҚШ давлатида эканлигини айтиб, фуқаро Д.Қосимованинг турмуш ўртоғи Б.Қосимов ва унинг ўғли Н.Рашитовларни АҚШга юборишини ваъда қилиб, уларни алдаб, ишончига кириб, 120.239.600 сўмга тенг бўлган 20.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан ҳамда Москва шаҳри ҳудудида терговда аниқлаш имкони бўлмаган, арман миллатига мансуб бўлган жиноий шериклари ёрдамида уларнинг фуқаролик паспортлари ғаразли ва бошқа паст ниятларда ноқонуний равишда эгаллаб қўлга киритиб, қўлга киритган кўп миқдордаги маблағларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб, расмий бўлган ҳужжатларни эса нобуд қилган.

Бундан ташқари, С.Дж хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, Ўзбекистон фуқароларини хорижга чиқиб ёлланиб, ишлашларини ташкил этиш борасида бирор-бир ваколатга эга бўлмаса-да, осон йўл билан моддий бойлик орттириш мақсадида 2021 йил июль ойида “Ватсап” ижтимоий тармоғи орқали Америка Қўшма Штатларига ишлаш мақсадида бориш ниятида бўлган фуқаро Ж.Шукуров билан танишиб, ўзини ишбилармон, мазкур масалани ҳал қилиш имкониятига эга бўлган уддабурон шахс сифатида таништириб, Ж.Шукуровга анча вақтдан буён Америка Қўшма Штатларида эканлигини айтиб, ишончига кириб, уни ва оила аъзоларини АҚШга юборишини ваъда қилиб, 159.165.000 сўмга тенг бўлган 15.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ҳисоб рақамига кўчириш йўли билан қўлга киритиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган кўп миқдордаги пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаган.

Бундан ташқари, С.Дж хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан такроран ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, жиноят ишининг қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2021 йил 20 октябрь кунидан 26 октябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида Ш.Хаитовга уни 1.594.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини АҚШнинг Нью-Йорк штатида жойлашган Хитой Халқ Республикаси Шанхай шаҳридаги ҳамкор фирмаси орқали у раҳбарлик қилаётган “Beneficiary Shanghai Xinyongchanh Internation Trade CO.LTD” компаниясининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришларини ваъда қилишиб, ундан ушбу 1.594.500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишиб, 50.000 АҚШ долларини у раҳбарлик қилаётган компания ҳисоб рақамига ўтказиб беришиб, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ҳисобида 7.385.070.000 сўмга тенг бўлган 690.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўтказмасдан, “Sanat Djumae” номи билан қалбаки “Chase” номли банк тўлов топшириқномасини компьютер техника воситалари ёрдамида қалбакилаштириб, тўлов топшириқномаларига пул кўчириб берилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар киритиб, ушбу банк тўлов топшириқномаларини уларга кўрсатиш йўли билан пулларни тўлиқ ўтказиб беришганлигини айтиб, қалбаки ҳужжатдан фойдаланиб, уни ишонтиришиб,



фирибгарлик йўли билан қўлга киритган жуда кўп миқдордаги маблағларни жинорий шериклари ўрталарида бўлишиб олишиб, ўзларининг эҳтиёжларига сарфлаганлар.

Бундан ташқари, С.Дж 2016 йил 6 декабрь куни Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ М ва ФРБдан АВ 5296930 серия рақамли биометрик фуқаролик паспорти олиб, шу паспорти билан Самарқанд вилояти ИИБ М ва ФРБдан “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи (стикер) рухсатномаси”ни расмийлаштирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспортлари тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 1995 йил 6 январь кунги 8-сонли Қарорининг 1-қисми 3-бандида кўрсатиб ўтилган, яъни “Чет элга вақтинча чиқаётганда фуқароларга чет элга бориш учун 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери расмийлаштирилади” деб кўрсатилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 07.07.2011 йилдаги 200-сонли Қарорининг 1-илоvasи 3-қисми 32-бандида кўрсатиб ўтилган, яъни “Фуқаро хорижга вақтинча чиқишига рухсатномани олганда унинг паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжатига икки йил муддатга амал қиладиган стикер ёпиштирилади. Стикернинг амал қилиш муддати тугагач паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатига амал қилиш муддати икки йил бўлган янги стикер ёпиштирилади” деб кўрсатилган қоидаларга амал қилмасдан, тегишли тартибда фуқаролик паспортига Самарқанд вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасидан “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи (стикер) рухсатномаси”ни олмасдан, 2017 йил 23 март куни Украина давлатининг Борисполь шаҳрига бориб, у ердан АҚШ давлатига чиқиб кетганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрь кунидаги ПҚ-4079-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 1-илоvasига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандида кўрсатилган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижга чиқадиган ҳолларда уларга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилиши, хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам хорижга чиқиш биометрик паспортига эга бўлишлари шарт” деб кўрсатиб ўтилган қоидаларга амал қилмасдан, белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда 2018 йил 21 сентябрь куни қонунга хилоф равишда Мексика давлатига кириб чиққанлиги, 2019 йил 20 май куни такроран Мексика давлатига кириб чиққанлиги, 2021 йил 10 октябрь куни Украина давлатининг Борисполь шаҳрига келиб яна АҚШ давлатига қайтиб борганлиги, у ердан 2022 йил 29 июнь куни Грузия давлатининг Батуми шаҳрига кирганлиги, у ердан 2022 йил 3 июль куни қонунга хилоф равишда такроран Туркия давлатининг Сарп шаҳрига кириб чиққанлиги, у ердан 2022 йил 19 октябрь



куни Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига борганлиги, 2023 йил 14 март куни Дубай шаҳри халқаро аэропорти орқали “Дубай-Самарқанд” йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасига кириб келганлиги аниқланган.

Жабрланувчи Р.Эргашев ва Ш.Тохировалар тафтиш шикоятда, судлар томонидан иш бир томонлама олиб борилгани, С.Дж бир нечта Америка доллари бўлган чекларни кўрсатиб, чекларни нақдлаштириши билан зарарларини қайтаришини айтиб ишонтиргани учун 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақида тилхатга имзо қўйиб бергани, аслида 12.000 АҚШ доллари олмагани, тилхатдаги Жумаев Мухаммад ёзилган исм, фамилия ва имзосини судланувчи С.Дж ёзгани ва унинг ўрнидан имзо қўйгани, агарда 2017 йил 14 март куни С.Дждан 12.000 АҚШ доллари олганида, 2021 йил январь ойида ИИБ ходимларига берган тушунтириш хатида судланувчи С.Джни акаси М.Дждан 10.000 АҚШ доллари олиб, яна 42.000 АҚШ доллари қолгани ҳақида тушунтириш хати ёзмаган бўлиши мумкинлиги, 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақидаги сохта тилхат 2017 йил 14 март куни ёзилган бўлиб, эртаси куни, яъни 2017 йил 15 март куни ИИБ ходими А.Худоев уни чақиртиргач, тилхатдаги пулларни олмаганлиги ҳақида қарши ариза ёзгани, апелляция инстанциясида сўралган А.Худоев ҳам бу ҳолатни тасдиқлагани, бироқ уни кўрсатувлари инобатга олинмагани, С.Дж тилла деб алдаб сотган соат учун олган 3.000 АҚШ долларини қайтармагани ҳақида важлар келтириб, суднинг ҳукмини бекор қилиб, С.Джни қамоққа олишни ва ундирилмаган 15.000 АҚШ доллари миқдордаги зарарларни ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси М.Эргашевнинг маърузасини, прокурор У.Рахимов, судланган С.Дж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ибрагимовнинг шикоятни рад қилиш, жабрланувчи Ш.Тохирова ва унинг ҳимоячиси-адвокат И.Махматкуловнинг шикоятни қанотлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини ўзгаришсиз ва шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган С.Джнинг суднинг ҳукмида қайд қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, биринчи инстанция судида сўралган жабрланувчи А.Джаббаров, Ш.Ҳайтов, Д.Косимова, Ш.Тохирова, Р.Эргашев, жабрланувчини вакили Ш.Очилова, гувоҳлар О.Нарзикулова, М.Дж ҳамда Н.Рашитовларнинг кўрсатувлари, шунингдек жабрланувчиларнинг аризалари, фото жадвал, тилхат, “смс” хабарлар, пуллар Хитой Халқ Республикасига кўчириб берилгани ҳақидаги сохта ҳужжатлар, давлат чегарасининг бузилиши ҳақидаги ҳамда фуқаролик паспортини кўздан кечириш баённомалар, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Судланган С.Джнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси



2-қисми “б” банди ва 223-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

-фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

-далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

-далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги” хусусида тушунтириш берилган.

Судлар жиноят ишини кўришда юқорида қайд этилган процессуал қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда, тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келгани боис, шикоятдаги судлар томонидан иш бир томонлама олиб борилгани ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Шикоятдаги, С.Дж бир нечта Америка доллари бўлган чекларни кўрсатиб, чекларни нақдлаштириши билан зарарларини қайтаришини айтиб ишонтиргани учун 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақида тилхатга имзо қўйиб бергани, аслида 12.000 АҚШ доллари олмагани ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Ушбу важлари, тафтиш инстанция судида сўралган гувоҳ М.Джнинг, 2017 йил 14 март куни укаси С.Дж билан Ш.Тохировани уйига бергани, укаси Ш.Тохировага 12.000 АҚШ доллари қарзини бергани, бу тўғрисида укси Ш.Тохировага 52.000 АҚШ доллари олгани ва шу пуллардан 12.000 АҚШ долларини қайтариб бергани ҳақида тилхат ёзгани, бироқ Ш.Тохирова бунга кўнмагани сабабли, укаси ёзиб берган тилхатга ўзи ҳам укасини 52.000 АҚШ доллари қарзи борлиги, шундан 12.000 АҚШ долларини қайтариб бергани, қолган 40.000 АҚШ долларини ҳам икки ой ичида ўзи қайтариб бериши, қайтариб бермаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилишига тайёр эканлиги тўғрисида ёзувлар ёзиб имзолаб бергани, пулни бериш пайтда у, укаси С.Дж, Ш.Тохирова ва Р.Эргашев, шунингдек укасини Махмуд исмли бир таниши ҳам бўлгани, кейин Р.Эргашев қўшнисини А.Джаббаровга телефон қилиб уни чақиргани, А.Джаббаров келганида, улар тилхатга имзо қўйиб беришини сўраганида, А.Джаббаров улардан пулни олган-олмаганини сўрагани, улар пулни олганлигини айтганидан сўнг, А.Джаббаров тилхатга имзо қўйиб бергани, сўнг Ш.Тохирова ва Р.Эргашевлар ҳам тилхатга ўзлари имзо қўйиб, шундан сўнг Ш.Тохирова тилхатни олиб бошқа қўшниларига ҳам имзолатиб



келишгани, имзолатиб келган қўшнилари уларни олди-бердиси кўрмагани, шу куни Ш.Тохирова ва унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашевни алдаб, 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақида тилхат ёздириб олмагани, у 2014 йилнинг июнь ойидан буён укаси С.Джга берган 52.000 АҚШ долларини ололмай юрган бир вазиятда, олмаган 12.000 АҚШ доллари учун тилхат ёзиб бермаслигини, 2021 йил январь ойида укаси С.Дж кидирувда вақтида укасини қарзини тўлаш учун Ш.Тохировага 10.000 АҚШ доллари бергани, нима сабабдан Ш.Тохирова шу вақти 10.000 АҚШ доллари олгандан сўнг, ИИБ ходимларига 42.000 АҚШ доллари қолганлиги тўғрисида тушунтириш хати ёзиб берганидан хабари йўқлиги, бироқ шу куни Ш.Тохирова 10.000 АҚШ доллари олгандан сўнг, қолганини у ва укаси С.Дж билан келишиб олиш ҳақида тилхат ёзиб бергани ҳақидаги;

-гувоҳ А.Джаббаровнинг, 2017 йил 14 март куни қўшниси Р.Эргашев телефон қилиб уйига чақиргани, Р.Эргашевни уйига келганида, у ерда қўшниси Р.Эргашев, уни турмуш ўртоғи Ш.Тохирова, С.Дж ва уни акаси Муминлар бўлгани, чиқиб кетаётганида С.Джни бир таниши ҳам кириб келгани, у ҳам тилхатга имзо қўйгани, шунда Р.Эргашев унга С.Дж 12.000 АҚШ доллари берганлиги ҳақидаги тилхатни кўрсатиб, ундан имзо қўйиб беришни сўрагани, шунда у тилхатни ўқиб, Р.Эргашев ва уни турмуш ўртоғи Ш.Тохировадан С.Дждан пул олган ёки олмаганини сўраганида, улар 12.000 АҚШ доллари олганини айтгани, сўнг у ҳам тилхатга имзо қўйиб бергани, шундан сўнг Ш.Тохирова бошқа қўшниларига тилхатга имзо қўйдириш учун кетгани, кейинчалик ҳам Р.Эргашев ёки уни турмуш ўртоғи унга С.Дж ушбу тилхат бўйича уларни алдаб пулини бермасдан кетганини айтмагани, лекин суд жараёни бошланганида Р.Эргашев унга кўрсатувларини ўзгартиришини илтимос қилгани, унга нимани гувоҳи бўлган бўлса, шуни айтиб беришини маълум қилиб, рад жавобини берганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан рад қилинади.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган 2017 йил 14 март кунги жабрланувчи Ш.Тохирова судланган С.Дждан 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақидаги тилхат кўздан кечирилганда, ушбу тилхатга жабрланувчи Ш.Тохирова ва унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашев, уларни қўшнилари А.Джаббаров, З.Рахимова, А.Хакимов ва М.Муродова, судланган С.Дж ва унинг акаси М.Дж ҳамда судланган С.Джнинг таниши Жумаев Мухаммад (Дж Махмуд)лар имзо қўйганлиги аниқланди.

Тергов ва биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ З.Рахимова ўз кўрсатувида, 2017 йил март ойида яшаш уйида бўлган вақтида, қўшниси Ш.Тохирова келиб, қўлида бир варақни кўрсатиб, С.Дж билан ўрталаридаги олди бердисидан хабари борлиги, шу сабабли ундан тилхат ёздириб олаётганлиги ва тилхат қоғозни С.Дж ёзиб берганлиги, унинг орқа варағини имзолаб беришни айтганлиги, шунда тилхатни ўқимасдан орқа томонига имзолаб бергани, тилхатнинг фақат 52.000 АҚШ доллари деб ёзилган жойни эслаши, қолганини нима ёзилганлигини билмаслиги, тилхатни бошқа қўшнилари ҳам имзолагани, Ш.Тохировани ўзи келиб тилхатни имзолаб кетгани, шахсан ўзи С.Дж Ш.Тохировадан 52.000 АҚШ доллари олганлиги



вақтида ёхуд тилхатда кўрсатилган Ш.Тохирова 12.000 АҚШ долларини қайтариб олганлиги вақтида иштирок этмагани ва кўрмаганини баён қилган.

Шу каби, дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ М.Муродова ва А.Хақимовлар ҳам гувоҳ З.Рақимовани кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув бериб, 2017 йил 14 март куни Ш.Тохирова олдиларига келиб, С.Дждан ундан олган қарзи бўйича тилхат олгани ва уни имзолаб тасдиқлаб беришини сўраганлиги сабабли, тилхатни ўқимасдан орқа томонига имзолаб бергани, ўзлари С.Дж Ш.Тохировадан 52.000 АҚШ доллари олган вақтида ёхуд тилхатда кўрсатилган Ш.Тохирова 12.000 АҚШ долларини қайтариб олганлиги вақтида иштирок этмаганликлари ва кўрмаганликларини маълум қилди.

Тафтиш инстанциясида сўралган гувоҳ З.Рақимова ва М.Муродова дастлабки тергов ҳамда биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини ўзгартириб, 2017 йил 14 март куни яшаш уйига қўшниси Р.Эргашев келиб, кўлида тилхат ва чекни кўрсатиб С.Дж чекни нақдлаштира уч кун ичида пулларини олиб келиб беришини айтиб, ушбу тилхатга имзо қўйиб беришини сўрагани, сўнг у тилхатни ўқимасдан орқа томонига имзо қўйиб бергани, бир неча кундан сўнг Ш.Тохирова унга С.Дж пулни бермаганлигини айтганини баён қилди.

Гувоҳ З.Рақимова ва М.Муродовани кўрсатувларига баҳо бериш мақсадида, мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борган терговчи З.Муродов тафтиш инстанциясида қўшимча гувоҳ сифатида сўроқ қилинганда, у ўз кўрсатувларида С.Джга оид жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари у томонидан олиб борилгани, иш бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинган шахсларни ўзларини хоҳиш ва иродалари билан эркин сўзларидан кўрсатувларини компьютерда ёзиб олгани, бирор-бир шахсни кўрсатувларини ўзгартириб ёзмагани, барча сўроқ қилинган шахслар ўз кўрсатувларини ўқиб чиқиб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, ўз сўзларидан тўғри ёзилганини ёзиб, имзо қўйиб тасдиқлаб бергани, шу жумладан З.Рақимова ва М.Муродовалар у томонидан гувоҳ сифатида сўроқ қилингани, улар ўз кўрсатувида, 2017 йил 14 март куни Ш.Тохирова олдиларига келиб, С.Дждан ундан олган қарзи бўйича тилхат олгани ва уни имзолаб тасдиқлаб беришини сўраганлиги сабабли, тилхатни ўқимасдан орқа томонига имзолаб бергани, ўзлари С.Дж Ш.Тохировадан 52.000 АҚШ доллари олган вақтида ёхуд тилхатда кўрсатилган Ш.Тохирова 12.000 АҚШ долларини қайтариб олганлиги вақтида иштирок этмаганликлари ва кўрмаганликларини маълум қилгани, нима сабабдан тафтиш инстанция судида улар кўрсатувларини ўзгартириб, 2017 йил 14 март куни яшаш уйига қўшниси Ш.Тохирова эмас, аксинча унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашев келиб, кўлида тилхат ва чекни кўрсатиб, С.Дж чекни нақдлаштира уч кун ичида пулларини олиб келиб беришини айтиб, ушбу тилхатга имзо қўйиб беришини сўрагани, сўнг у тилхатни ўқимасдан орқа томонига имзо қўйиб бергани, бир неча кундан сўнг Ш.Тохирова унга С.Дж ни бермаганлигини айтганини маълум қилаётганини билмаслиги,



жабрланувчи Ш.Тохирова тергов давомида ҳам 12.000 АҚШ доллари олмаганлигини баён қилгани, ушбу кўрсатувларини текшириш учун 2017 йил 14 март куни ёзилган тилхатдаги шахсларни батафсил сўроқ қилиб, барча ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берганини маълум қилди.

Қолаверса, тафтиш инстанциясида сўралган гувоҳ А.Джаббаров тилхатни Р.Эргашев эмас, аксинча унинг турмуш ўртоғи Ш.Тохирова тилхатни олиб, қўшниларига имзолатиб келганини баён қилди.

Шунга кўра, судлов ҳайъати гувоҳ З.Рахимова ва М.Муродова кўрсатувларини ўзгартириб, ҳар хил мазмунда кўрсатув бераётгани, қолаверса улар ва тилахтга имзо қўйган А.Хақимов судланган С.Дж Ш.Тохировага 12.000 АҚШ доллари берганига бевосита гувоҳ бўлмагани, 12.000 АҚШ доллари олганини жабрланувчи Ш.Тохирова ва унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашевнинг ўзлари тасдиқлашиб, тилхатга имзо қўйгани, шунингдек гувоҳ А.Джаббаров Ш.Тохирова ва Р.Эргашев 12.000 АҚШ доллари олганини айтгани учун тилхатга имзо қўйиб берганини маълум қилгани боис, тилхатга имзо қўйган З.Рахимова, М.Муродова ва А.Хақимовларни кўрсатувларини ишончга сазовор эмас деб эътироф этади.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати судланувчи С.Дж ва унинг акаси М.Джнинг жабрланувчи Ш.Тохировага 12.000 АҚШ доллари бергани ҳақидаги кўрсатувларини муҳокама қилиб, уларнинг кўрсатувлари 2017 йл 14 март кунги тилхат ёзилиш жараёнида бевосита иштирок этган ҳолис гувоҳ А.Джаббаровнинг кўрсатувлари билан тасдиқланиши, қолаверса 12.000 АҚШ доллари берилгани ҳақидаги ушбу тилхатга жабрланувчи Ш.Тохирова ва унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашевлар ҳам имзо қўйгани, улар имзо қўйишганини инкор қилишмаётганлиги боис, судланган С.Дж ҳамда гувоҳ М.Дж ва А.Джаббаровнинг кўрсатувларини ишончга сазовор деб топиб, жабрланувчи Ш.Тохирова ва Р.Эргашевларнинг 12.000 АҚШ доллари олмагани ҳақидаги важларини инкор қилувчи мақбул далил деб эътироф этади.

Шу ўринда, судлав ҳайъати жабрланувчи Ш.Тохировани шикоят ва кўрсатувларидаги, агар-да 2017 йил 14 март куни С.Дждан 12.000 АҚШ доллари олганида, 2021 йил январь ойида ИИБ ходимларига берган тушунтириш хатида, судланувчи С.Джни акаси М.Дждан 10.000 АҚШ доллари олиб, яна 42.000 АҚШ доллари қолгани ҳақида тушунтириш хати ёзмаган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги важлари билан ҳам келишмади.

Ҳақиқатдан ҳам, Ш.Тохирова 2017 йил 14 март куни ёзилган тилхатда 12.000 АҚШ доллари олгани, 2021 йил январь ойида ёзилган ИИБ ходимларига тақдим қилган тушунтириш хатида эса, 10.000 АҚШ доллари олгани, 42.000 АҚШ доллари қолганини кўрсатган.

Бироқ, 2021 йил январь ойида ёзган тилхатда эса, 52.000 АҚШ долларидан 10.000 АҚШ доллари олгани, қолганини С.Дж ва М.Дж билан келишиб олишини кўрсатиб, айнан яна 42.000 АҚШ доллари қолганини кўрсатмаган.



Ш.Тохированинг тушунтириш хати ўзи томонидан ёзилган бўлиб, унда ўзини эркин фикрини баён қилиниб, ҳеч ким томонидан у ёки бу сўзни қўшиши талаб қилинмайди.

Шу куни, 52.000 АҚШ долларида 10.000 АҚШ доллари олгани, қолганини С.Дж ва М.Дж билан келишиб олиши кўрсатилган тилхат эса, оддий ёзма шаклда тузилган бўлиб, Ш.Тохировани хоҳиш-иродаси эркин ифода этилгани боис, қонун талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради.

Шунга кўра, судлов ҳайъати ушбу тилхатда 52.000 АҚШ долларида 10.000 АҚШ доллари олгандан сўнг, яна 42.000 АҚШ доллари қолганлиги кўрсатилмагани боис, ушбу тилхатни Ш.Тохированинг юқорида муҳокама қилинаётган вазлари ва кўрсатувларини инкор қилувчи мақбул далил деб эътироф этади.

Шу билан бирга, Ш.Тохированинг шикоятдаги 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақидаги сохта тилхат 2017 йил 14 март куни ёзилган бўлиб, эртаси куни, яъни 2017 йил 15 март куни ИИБ ходими А.Худоев уни чақиртиргач, тилхатдаги пулларни олмаганлиги ҳақида қарши ариза ёзгани, апелляция инстанциясида сўралган А.Худоев ҳам бу ҳолатни тасдиқлагани, бироқ уни кўрсатувлари инобатга олинмагани ҳақидаги вазлари ҳам асосиздир.

Апелляция инстанция судида сўралган гувоҳ А.Худоев ўз кўрсатувида, Самарқанд шаҳар ИИБда тезкор вакил бўлиб ишлаган вақтида, фуқаро Ш.Тохированинг мурожаати иш юритувига келиб тушгани, мурожаатда С.Дж билан ўртасидаги пул олди-берди масаласи бўлгани, Ш.Тохирова дастлаб унга С.Дждан пул олганлиги ҳақида айтгани, ундан пул олгани ҳақида қарши ариза ёзишини сўраганида, Ш.Тохирова С.Дж унга олган пулини бераман деб бермаганини айтгани, унга бўлмаса ариза ёзиш керак эмаслигини билдириб, С.Джга нисбатан тўпланган ҳужжатларни тергов бўлимига ўтказиб юборганини баён қилган.

Тафтиш инстанциясида сўралган жабрланувчи Ш.Тохирова ўз кўрсатувида, 2017 йил 15 март куни А.Худоев уни чақиртириб, С.Дж зарарни қоплаган ёки қопламаганини сўраб, қоплаган бўлса, ариза ёзиб беришини сўрагани, уни хизмат хонасида қарши ариза ёзгани, шунда А.Худоев ундан ҳақиқатдан ҳам пулларни олган-олмаганини сўраганида, С.Дждан умуман пул олмаганини айтгач, у киши қарши аризасини олмагани, сўнг қарши аризасини олиб уйига кетгани, ушбу аризасини асли ҳозирги кунга қадар ўзида турганлигини баён қилди.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган, жабрланувчи Ш.Тохирова ўз кўрсатувларида баён қилаётган қарши ариза нусхаси кўздан кечирилганда, унда С.Дж 52.000 АҚШ долларида 12.000 АҚШ долларини қайтариб бергани, 40.000 АҚШ долларини 2017 йил май ойини охиригача қайтаришни ваъда қилгани ёзилгани аниқланди.

Шу ўринда, судлов ҳайъати жабрланувчи Ш.Тохирова 2017 йил 14 март куни 12.000 АҚШ доллари олгани ҳақида тилхат ёзиб, сўнг эртаси куни ушбу пулни олмагани ҳақида ИИБ ходими А.Худоевга айтганлик



ҳолатини ва гувоҳ А.Худоевнинг кўрсатувларини ишончга сазовор эмас деб ҳисоблайди.

Чунки, 2017 йил 14 март куни ёзилган тилхатда ва 2017 йил 15 март куни ёзилган аризада ҳам жабрланувчи Ш.Тохирова 12.000 АҚШ доллари олганини инкор қилмаган.

Бундан ташқари, гувоҳ А.Худоев жабрланувчи Ш.Тохированинг 12.000 АҚШ доллари олмагани ҳақидаги кўрсатувларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатув берган бўлиб, уни шахсан ўзи судланувчи С.Дж томонидан жабрланувчи Ш.Тохировага 12.000 АҚШ доллари берилган ёки берилмаганлик ҳолатига бевосита гувоҳ бўлмаган, қолаверса гувоҳ А.Джаббаров жабрланувчи Ш.Тохирова ва Р.Эргашевлар 12.000 АҚШ доллари олганини айтгани учун тилхатга имзо қўйганини баён қилган бўлиб, судланувчи С.Дж ва уни акаси М.Джнинг жабрланувчиларга 12.000 АҚШ доллари бергани ҳақидаги кўрсатувлари гувоҳ А.Джаббаровнинг кўрсатувлари билан тўлиқ тасдиқланган, шунингдек 12.000 АҚШ доллари берилгани ҳақидаги ушбу тилхатга жабрланувчи Ш.Тохирова ва унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашевлар ҳам имзо қўйган бўлиб, улар имзо қўйишганини инкор қилишмаган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати гувоҳ А.Худоевнинг кўрсатувларини жабрланувчи Ш.Тохирова ва Р.Эргашевнинг 12.000 АҚШ доллари олмагани ҳақидаги важларини тасдиқловчи мақбул далил деб эътироф этиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Шунингдек, 2017 йил 17 март кунги тилхатга имзо қўйган Жумаев Мухамадни исмли шахсни шахсига аниқлик киритилганда, у 1984 йил 21 апрель куни туғилган Дж Махмуд Хамитович эканлиги аниқланиб, Самарқанд шаҳар “Боғи баланд” МФЙнинг 2024 йил 24 март кунги №44-сонли далолатномасига кўра, у ишлаш мақсадида Япония давлатига кетганлиги маълум бўлди.

Шу боис, тафтиш инстанциясида Дж Махмудни сўроқ қилишни имкони бўлмади.

Шунга кўра, жабрланувчи Ш.Тохированинг шикоятдаги, тилхатдаги Жумаев Мухамад ёзилган исм, фамилия ва имзони судланувчи С.Дж ёзгани ва унинг ўрнидан имзо қўйгани ҳақидаги важларини текшириш учун тафтиш инстанция суди томонидан 2017 йил 14 март кунги тилхатдаги Дж Махмуд номидан (Жумаев Мухамад деган ёзувлардан кейин жойлашган) бажарилган имзо уни ўзи томонидан бажарилган ёки судланган С.Дж томонидан бажарилганлик ҳолати юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинланди.

Х.Сулаймонова номидаги суд экспертиза Маркази Самарқанд вилоят бўлимининг 2024 йил 2 майдаги №29-31(1203)1.1.Z1551-сонли суд-хатшунослик экспертиза хулосасида, 2017 йил 14 мартдаги тилхатнинг орқа томони пастки ўрта қисмида “Жумаев Мухамад” қўлёзма ёзувларидан кейин жойлашган Дж Махмуд Хамитович номидан бажарилган имзо - Дж Махмуд Хамитовични ўзи томонидан бажарилмагани, яъни бошқа шахс томонидан унинг имзосига тақлид қилиб бажарилгани, ушбу имзо Дж С



Муҳиддинович томонидан бажарилганини аниқлаш имкони бўлмагани ҳақида хулоса берилган.

Бундан кўринади-ки, 2017 йил 14 март кунги тилхатдаги Жумаев Муҳаммад деган ёзувлардан кейин жойлашган имзо судланган С.Дж томонидан бажарилмаган.

Бундан ташқари, судланган С.Дж ўз кўрсатувларида 2017 йил 14 март куни таниши М.Дж у билан бирга жабрланувчи Ш.Тоҳированинг уйига боргани, у 12.000 АҚШ доллари берганига гувоҳ бўлгани ва тилхатга ўзи имзо қўйганини баён қилган бўлиб, уни кўрсатувларини тафтиш инстанция судида сўралган гувоҳ А.Джаббаров тасдиқлаб, шу куни судланган С.Джнинг акасидан ташқари уни Махмуд исмли яна бир таниши ҳам жабрланувчи Ш.Тоҳированини уйига келгани ва у ҳам тилхатга имзо қўйганига гувоҳи бўлганини баён қилди.

Гарчанд, суд-хатшунослик экспертиза хулосасида “Жумаев Муҳаммад” қўлёзма ёзувларидан кейин жойлашган Дж Махмуд Хамитович номидан бажарилган имзо - Дж Махмуд Хамитовични ўзи томонидан бажарилмагани, яъни бошқа шахс томонидан унинг имзосига тақлид қилиб бажарилгани қайд этилган бўлса-да, шу куни Дж Махмуд жабрланувчи Ш.Тоҳировани уйига борганлиги ўз тасдиғини топаётгани, қолаверса бу ҳолат Ш.Тоҳирова 12.000 АҚШ доллари олган ҳақидаги тилхатга имзо қўйган судланган С.Жумаев, унинг акаси М.Дж, гувоҳ А.Джаббаровнинг кўрсатувлари билан тўлиқ тасдиқланаётгани, ушбу тилхатга жабрланувчи Ш.Тоҳирова ва унинг турмуш ўртоғи Р.Эргашевлар ҳам имзо қўйиб тасдиқлашганини эътиборга олиб, судлов ҳайъати тилхатдаги “Жумаев Муҳаммад” қўлёзма ёзувларидан кейин жойлашган Дж Махмуд Хамитович номидан бажарилган имзо уни ўзи томонидан бажарилган-бажарилмаганлик ҳолати ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмайди деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати шикоятдаги С.Дж тилла деб алдаб сотган соат учун олган 3.000 АҚШ долларини қайтармагани ҳақидаги вазияти билан ҳам келишмади.

Тергов органи томонидан С.Дж 2014 йил май ойида жабрланувчи Р.Эргашев билан унинг Самарқанд шаҳар “Огаҳий” маҳалласи “Шабод” кўчаси 42-уйида учрашиб, унга сариқ рангли металлдан ясалган эркаклар соатини кўрсатиб, ушбу соат қимматбаҳо эканлиги ва у тилладан қилинганлигини маълум қилиб, шу йўл билан Р.Эргашевнинг ишончига кириб, уни алдаб, 6.889.290 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олиб, унга тилладан қилинмаган арзон нархдаги соатни бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган маблағларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаганликда айб эълон қилинган.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи С.Дж ҳақиқатдан ҳам 2014 йил жабрланувчи Р.Эргашевга тилла соат деб, унга 3.000 АҚШ доллари эвазига тилладан ясалмаган соатни сотган бўлиб, Р.Эргашев ушбу соат тилладан ясалмаганлигини аниқлангач, бу ҳақда С.Джга хабар берган.

Ўз навбатида, судланувчи С.Дж жабрланувчи Р.Эргашев билан келишида келиб чиққан низо юзасидан, АҚШ давлатида бўлганлиги



сабабли, қариндоши О.Нарзиқулова ва М.Джларга ушбу ҳақида айтгач, О.Нарзиқулова ва М.Дж жабрланувчи Р.Эргашевнинг яшаш уйига боришиб, унга олдин сотган 3.000 АҚШ долларлик соат ўрнига, О.Нарзиқуловага тегишли бўлган бошқа тухум (овальный) шаклдаги тилла соатни олишни таклиф қилган ва Р.Эргашевнинг турмуш ўртоғи Ш.Тохирова ушбу соатни ҳаққонийлигини текшириб кўрганидан сўнг, эски соатни ўрнига ушбу янги тилладан ясалган тухум (овальный) шаклдаги соатни қабул қилиб олган.

Бу ҳолатни, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ О.Нарзиқулова ва М.Джлар тўлиқ тасдиқлашган.

Жабрланувчи Р.Эргашев ва Ш.Тохировалар ўз кўрсатувида, биринчи 3.000 АҚШ долларига тилло соат деб сотган соатни пуллари қайтарилмагани, аксинча ушбу тилло соатни алдаб сотгандан сўнг, С.Дж қўлидаги Америка чекларини Ўзбекистонда нақдлаштириб ололмагач, Тошкент шаҳридаги Мизроб исмли МХХ ходимига бир дона тилла соатни совға қилиб, унинг ёрдамида Америка чекларини нақдлаштириб олиб, уларнинг 52.000 АҚШ доллари ва соат учун олган пулларини беришини ваъда бериб, уларга бир дона тилла соат олиб беришини айтганида, улар С.Джга С.Айний МФЙда яшовчи бир заргардан 1.300 АҚШ долларига тилла соат сотиб олиб берганини, С.Джнинг қариндошлари тергов жараёнида ушбу тилла соатни қайтариб беришгани, лекин биринчи соат учун олган 3.000 АҚШ долларини қайтарилмагани баён қилишган.

Бироқ, жабрланувчи Р.Эргашев ва Ш.Тохироваларни мазкур кўрсатувларини тасдиқловчи бирор-бир фактик далиллар, яъни аудио, видео, фото сурат ва тилхатлар мавжуд эмас.

Аксинча, судланувчи С.Дж жабрланувчи Р.Эргашевга тилла соат деб оддий соатни 3.000 АҚШ долларига сотиб, Р.Эргашев соат тилладан ясалмаганини билгач, С.Джнинг қариндошлари бошқа тухум (овальный) шаклдаги тилла соатни таклиф қилганида, уни текшириб кўриб ва тилладан ясалганлигини аниқлагач, олдин берган оддий соат ўрнига ушбу соатни қабул қилиб олинганлиги ўз тасдиғини топганлиги боис, С.Джни жабрланувчи Р.Эргашевга сариқ рангли металдан ясалган эркаклар соатини кўрсатиб, ушбу соат қимматбаҳо эканлиги ва у тилладан қилинганлигини маълум қилиб, шу йўл билан Р.Эргашевнинг ишончига кириб, уни алдаб, 6.889.290 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари миқдоридagi пуллари олиб, унга тилладан қилинмаган арзон нархдаги соатни бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган маблағларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган деб бўлмайди.

Қолаверса, судланувчи С.Дж жабрланувчи Ш.Тохировани 52.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу пуллари бермай юрган бир вазиятда, С.Джга уни қўлидаги Америка чекларини Тошкент шаҳридаги Мизроб исмли МХХ ходимига бир дона тилла соатни совға қилиб, унинг ёрдамида Америка чекларини нақдлаштириб олиши учун яна битта тилло соати бергани ишончга сазовор эмас.

Гарчанд, тергов органи томонидан жабрланувчи Р.Эргашев томонидан 1 дона сариқ рангли металдан ясалган эркаклар қўл соати ашё далил



сифатида эътироф этилган бўлса-да, судлов ҳайъати С.Дж жабрланувчи Р.Эргашевга тилла соат деб оддий соатни 3.000 АҚШ долларига сотиб, Р.Эргашев соат тилладан ясалмаганини билгач, С.Джнинг қариндошлари бошқа тухум (овальный) шаклдаги тилла соатни таклиф қилганида, уни текшириб кўриб ва тилладан ясалганлигини аниқлагач, олдин берган оддий соат ўрнига ушбу соатни қабул қилиб олинганлиги ўз тасдиғини топганлиги, бу ҳолада судланган С.Дж жабрланувчи Р.Эргашевни ишончига кириб, уни алдаб, 6.889.290 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, тилладан қилинмаган арзон нархдаги соатни бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган маблағларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган деб бўлмаслигини эътиборга олиб, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона сариқ металдан ясалган эркаклар қўл соатини мақбул эмас, яъни унинг асосида процессуал қарор қабул қилиш учун юридик кучга эмас деб топиб, уни далиллар мажмуидан чиқишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, шикоятдаги С.Джни камоққа олиш ва ундирилмаган 15.000 АҚШ доллари миқдоридаги зарарларни ундириб бериш ҳақидаги важлари ҳам асоссиздир.

Шу билан бирга, шикоятдаги М.Қаршиевни сўроқ қилиш ҳақидаги илтимосномаси апелляция инстанция суди томонидан нотўғри рад қилингани, уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш лозимлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Иш ҳужжатларига қарайдиган бўлсак, М.Қаршиев илгари Самарқанд шаҳар бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ЖКГ катта тезкор вакили вазифасида ишлаган бўлиб, ҳозирги кунда у Самарқанд шаҳар “Вог`ishamol” адвокатлик ҳайъати адвокати вазифасида ишлайди.

2023 йил 16 июнь куни тузилган шартномага кўра, адвокат М.Қаршиев биринчи инстанция судида жабрланувчи Ш.Тохированинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилган.

Ваҳоланки, ЖПКнинг, ЖПКнинг 115-моддасида жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида - ҳимоячини, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиш мумкин эмаслиги қайд этилган

Шу боис, апелляция инстанция суди адвокат М.Қаршиев биринчи инстанция судида жабрланувчи Ш.Тохировани ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилганлигини эътиборга олиб, М.Қаршиевни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳақидаги илтимосномасини рад қилиб, тўғри тўхтамга келган.

Шу боис, тафтиш инстанция судида ҳам адвокат М.Қаршиевни сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Биринчи инстанция суди, судланган С.Джга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш алиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг тушунтиришларига риоя қилган



холда, унинг айбига қисман иқрор ва пушаймонлиги, етказилган моддий зарар қопланганлиги, шахси, оилалик бўлиб, қарамоғида 2 нафар фарзанди борлигини инобатга олиш билан бирга, содир қилган жиноятларининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

ЖПКнинг 521⁴-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси биринчи инстанция, кассация ва апелляция инстанция судининг ҳукми ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шунга кўра, судлов ҳайъати шикоятидаги важлар суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Дж.С. га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 1 августдаги ҳукми ва Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 17 октябрдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи	(имзо)	М.Эргашев
Ҳайъат судьялари	(имзо)	З.Ибрагимов
	(имзо)	А.Акрамов
<i>Аслига тўғри</i>		

